

## ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ҲУЖЖАТЛАРИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАСИ ГЕНЕЗИСИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ

Жасурбек Жахонгир ўғли Муҳаммаджонов

Иқтисодиёт ва таълим факултети

Ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича

декан муовини “Қўқон университети” МЧЖ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги куннинг муҳим ва ўрганилиши лозим бўлган мавзуларидан бири Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти, айниқса, аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглиги масалаларида ИХТнинг ташаббуслари ҳақида даврий маълумотлар берилган. ИХТ ва унинг инсон ҳуқуқлари бўйича тармоқ институтлари ташкил топиш эҳтиёжлари таҳлили ҳамда қабул қилинган дастурий ҳужжатлар, институт фаолиятига соҳа экспертларининг фикрлари иқтибос сифатида келтирилган. Мақоланинг муҳимлиги шундаки, унда ҳозирги кунгача бўлган муддатда ислом оламида аёллар ҳуқуқлари соҳасида эришилган дастурий ютуқлар ва мусулмон оламидаги халқаро ташкилотларнинг ўрни ҳам алоҳида қайд этилган.

**Калит сўзлар:** Ислом ҳамкорлик ташкилоти, инсон ҳуқуқлари, Қоҳира декларацияси, гендер тенглиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия, аёллар ҳуқуқлари, Аёлларни ривожлантириш ташкилоти.

### ABSTRACT

This article provides periodic information on the Organization of Islamic Cooperation and its activities in the field of human rights, especially women's rights, OIC initiatives on gender equality. The analysis of the needs of the OIC and its sectoral institutions for human rights, as well as the adopted policy documents, the views of experts in the field of the institute are quoted. The importance of the article is that it highlights the programmatic achievements in the field of women's rights in the Islamic world to date and the role of international organizations in the Muslim world.

**Keywords:** Organization of Islamic Cooperation, human rights, Cairo declaration, gender Equality, Independent Permanent Commission on Human Rights, women's rights, Women's Development Organization.

## КИРИШ

XX асрда инсон ҳуқуқлари масаласи ҳар бир давлатнинг нафақат ички балки ташқи сиёсатида ҳам энг устувор масалалардан бири бўлиб қолди. Айни шу асосдан келиб чиқиб Бирлашган миллатлар ташкилоти халқаро миқёсда инсон ҳуқуқлари кафолатини яратиш ва унга давлатларнинг оғишмай амал қилишини таъминлаш мақсадида 1948-йил 10-декабрида инсон ҳуқуқларининг халқаро майдондаги кафолатининг пойдевори бўлмиш Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилди ва ушбу ҳужжат кўплаб давлатлар томонидан ратификация қилинди. Кейинги йилларда эса айнан инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида бошқа бир қатор ҳужжатлар 1989-йил “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция”, 1966-йил “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт” ҳамда 1979-йилда БМТнинг “Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияси ва бошқа кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Гендер тенглиги масаласида муносиб ички ҳуқуқий тизим яратиш XXI асрнинг илк ўн йиллигидан бошлаб дунё давлатларининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Бу омиллар албатта халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бевосита фундаментал асос сифатида фойдаланишни тақозо этди. Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъектларининг қамров даражасига қараб ушбу соҳада фундаметал асослар яратиш учун асосий омил вазифасини ўтайдилар.

Айниқса аксарият мусулмон мамлакатлари ҳозирги кунгача гендер тенглиги масаласида асосий танқидга ва кўплаб норозиликларга учраётган давлатлар қаторида туради. 1969-йилда ташкил этилган. Халқаро ҳукуматлараро Ислом ҳамкорлик конференцияси (2008 йилда ташкилоти) (ИХТ) ўз фаолиятининг дастлабки йилларида асосий эътиборни аъзо давлатлар ўртасидаги истисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик масалаларига қаратган бўлса-да, бироқ XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидан эътиборан ислом оламида инсон ҳуқуқлари соҳасида муҳим тадбирларни амалга оширди. Чунончи, 1990-йилда ИХТ ташқи ишлар вазирларининг Мисрнинг Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида 25-моддадан иборат бўлган Исломда инсон ҳуқуқлари бўйича Қоҳира декларацияси қабул қилинди. Ушбу декларациянинг 6-моддасида алоҳида таъкидланишича: “Аёл эркаклар билан инсон кадр-қиммати борасида тенг ҳуқуқли бўлиб, ҳам ҳуқуқлар, ҳам мажбуриятларга эга; у

мустақил фуқаролик мақомига ва молиявий мустақилликка, ўз исми ва уруғини сақлаш ҳуқуқига эга.”. Декларация ислом оламида аёл ва эркакнинг қадр-қиммат борасидаги ҳуқуқларда ва мажбуриятларда ўзаро тенг эканлигини очиқ эълон қилмоқда. Бу мусулмон мамлакатларда гендер тенглиги масаласига жиддий ёндашишни янада муҳим босқичга олиб чиқди.

Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти халқаро ҳамжамият танқидлардан сўнг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида ўз уставини қайта кўриб чиқди ва унинг муқаддимасидаёқ қуйидаги ўзгаришлар алоҳида қайд этилди. Унда алоҳида қайд этилишича: “Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан. Биз, Ислом Конференцияси Ташкилотига аъзо давлатларда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, яхши бошқарув, қонун устуворлиги, демократия ва ҳисобдорликни ўз конституциявий ва ҳуқуқий тизимларига мувофиқ тарғиб қилиш; аъзо давлатларнинг қонунлари ва қонунчилигига мувофиқ, аёлларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг ҳаётнинг барча соҳаларида иштирок этишини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш” га алоҳида эътибор қаратади.

Ислом оламида Аёллар ҳуқуқлари учун кураш шу тариқа муҳим аҳамият касб этиб борди. Босқичма босқич ИХТ ушбу масалада жиддийроқ чоратadbирларни амалга оширди.

Хусусан, халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш кунда (25 ноябр) ИХТ Бош қотиби қуйидагича баёнот билан чиқди: "Бу куннинг нишонланиши барча учун эслатиш вазифасини ўтайди. Аёлларнинг мақомини ошириш зарурлигини рағбатлантирувчи БМТ Бош Ассамблеясининг 1999 йил 54/134 сонли резолюцияси бутун халқаро ҳамжамиятга Исломда аёллар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлаш унинг энг қимматли тамойилларида мустаҳкамлаш зарурлигини англатади Афсуски, хали ҳамон аксарият жамиятларда, хусусан, ривожланаётган ва кам ривожланган мамлакатларда, аёлларнинг кўпчилиги камситишларга дуч келмоқда, ижтимоий адолатсизлик ва зўравонликдан азият чекмоқда.”

2011-йил июнида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирларининг Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган 38-сессиясида ИХТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида тармоқ институтларидан бири бўлган “Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия”ни ташкил этиш тўғрисида резолюция қабул қилинди. Унинг асосий вазифаси этиб ислом оламида инсон ҳуқуқлари соҳасида аёллар ва болалар ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш ва таъминлаш белгиланди. Айинқса, аёлларнинг таълим олиши, уларнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш, иқтисодий, таълим бериш, спорт, илм

фан каби соҳаларда фаол иштирокини таъминлаш, шу соҳаларда ўз ўринларини эгаллаши учун уларни ўқитишга кўмаклашиш, таълим соҳасида орқада қолаётган мусулмон мамлакатларида хотин-қизлар ва аёлларнинг таълим олишини ва саводхонлиги даражасини кўтариш учун молиявий ва амалий ёрдам кўрсатиш, уларни жамиятнинг барча соҳаларида самарадор яшаш ва фаолият олиб боришларида ёрдамчи вазифасини бажариш устувор мақсад этиб белгиланди. Бу ташкилотнинг тузилишига кўплаб ғарб экспертлари ҳам ижобий фикр билдирдилар. Улардан Инсон ҳуқуқлари бўйича Дания илмий-тадқиқот институти изланувчиси Марий Ж. Петерсон ташкилот ҳақида қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Энг муҳими Комиссия барча аъзо давлатларнинг ўзаро кучли сиёсий кўмаги билан тузилган. Иккинчидан, янги комиссия орқали ИХТга аъзо давлатлар ички танқид ва ўз-ўзини кўздан кечириш учун жуда зарур форумни ташкил этишди.

Учинчидан, Комиссия таркибидаги баъзи экспертлар инсон ҳуқуқлари бўйича катта тажрибага эга бўлмаса-да, бошқа жиҳатдан миллий, минтақавий ёки халқаро жиҳатдан яхши тажрибага эга. Тўртинчидан, комиссия аъзо мамлакатларни инсон ҳуқуқлари бўйича турли хил соҳаларда қамраб олиш таъсирига эга.”

Петерсон ўз сўзларини давом эттириб яна қуйидагиларни таъкидлайди: “ИХТ нафақат инсон ҳуқуқлари билан шуғулланади, балки ИХТ контекстида тез -тез айтилганидек, аёлларнинг ҳуқуқлари ёки "аёллар тараққиёти" билан ҳам шуғулланади. ... Бугунги кунда ИХТ ўзаро гуманитар ёрдам ва ривожланиш, атроф-муҳит ва аёллар ҳуқуқлари каби соҳаларга тобора кўпроқ жалб этилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия эса бу жараённинг муҳим қисмидир.”

Фикри ожизимизча, аёллар ҳуқуқларини таъминлашда юқорида келтирилган фикрлар ўринли бўлиб, бу соҳада ИХТ ва унинг махсус институтлари томонидан олиб борилаётган халқаро фаолиятда аёллар ва хотин қизларнинг барча соҳаларда эркаклар сингари тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш учун кураш ҳамда унинг халқаро ҳуқуқий асосларини яратиш ва ИХТга аъзо мамлакатлар ички ҳуқуқий тизимига имплементациясини амалга оширишда Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиянинг ўрни беқиёсдир.

Бундан ташқари, Туркиянинг Истанбул шаҳрида 2016-йил 1-3-ноябр кунлари ИХТга аъзо давлатлар вазирлар йиғилишининг “Ривожланишда аёлларнинг роли” мавзусида ташкил этилган 6-сессиясида “Аёллар фаровонлигини ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси”

қабул қилинди. Ҳаракатлар режасининг хулоса қисмида шундай дейилади.

“Сўнги йилларда ИХТга аъзо давлатлардаги аёлларнинг аҳволини яхшилашга катта эътибор қаратилди, чунки бу масала ИХТнинг Ўн йиллик Ҳаракат дастурида муҳим ўрин тутади, унда қуйидагилар таъкидланган: ИХТга аъзо давлатларда иқтисодий, маданий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда; уларни турли хил зўравонлик ва камситилишлардан ҳимоя қилиш ва ижтимоий адолат ва гендер тенглигининг исломий қадриятларига мувофиқ, “Аёлларга нисбатан камситилишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция қоидаларига риоя қилиш устувор вазифалардан ҳисобланади.”

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглигини таъминлаш бўйича яна бир алоҳида ташаббуси билан 2021 йил 8 июлда Мисрда Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг Хотин-қизлар масалалари бўйича Вазирлар конференцияси “Гендер тенглиги ва аёлларнинг имкониятларини СОВИД-19 пандемия ва ундан кейинги шароитида сақлаб қолиш” мавзусида халқаро даражада тажриба алмашиш учун йиғилди.

## ХУЛОСА

Ушбу йиғилиш давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Аёллар масалаларида мувофиқлаштириш, ҳамкорлик, ресурслар ва барқарорлик бўйича ижрочи директор ўринбосари Анита Бхатия гендер тенглиги ва аёллар ва қизларнинг имкониятларини кенгайтириш ҳамда ички ҳуқуқий тизимда гендер тенглигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ИХТга аъзо давлатларнинг асосий устувор вазифалари эканига алоҳида урғу берди.

2021 йил 6-7 июл кунлари бўлиб ўтган Олий расмий йиғилишда ИХТнинг 7 - аёллар конференцияси резолюциялари ижроси кўриб чиқилди ва ИХТга аъзо давлатлар ва ташкилотларнинг аёлларнинг имкониятлари ва ривожланиши соҳасида ташаббуслари кўриб чиқилди ва фаолияти тўғрисида ҳисоботлар берилди. ИХТга аъзо давлатларда “Аёллар фаровонлигини ошириш бўйича Ҳаракатлар режасини амалга ошириш йўлидаги ютуқлар” мавзусидаги ИХТ аёллар ва тараққиёт ҳисоботи 2021 дан олинган хулосалар кўриб чиқилгандан сўнг олий даражадаги йиғилиш якунида ИХТнинг янги “Аёлларни ривожлантириш ташкилоти” ўз ишини бошлаганлиги расмий равишда эълон қилинди.

2020-йил июль ҳолатига кўра ушбу ташкилотнинг низоми 22 аъзо давлат томонидан имзоланган ва уларнинг 15 таси расмий равишда бу ҳужжатни ратификация қилган. Бу муҳим қадам ИХТнинг бундан кейинги фаолиятида унга аъзо давлатларнинг ички



миллий ҳуқуқий тизими қандай бўлишидан қатъи ўлароқ аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглиги масаласида янгича ислоҳотлар амалга оширилиши лозимлигини аниқлатади.

## REFERENCES

1. Marie Juul Petersen (PhD, Project Researcher.) Islamic or universal human rights? The OIC's Independent permanent human rights commission. DIIS REPORT 2012:03; Printed in Denmark by Vestekopi AS. Danish Institute for International Studies, DIIS Strandgade 56, DK-1401 Copenhagen, Denmark.

